

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 144 (11.205)

Баҳоси эркин нарҳда

Касба сатрларда

● **ЎТГАН** куни Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари ташкилотлари федерациясида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида «Элнажот» хотин-қизлар ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини ошириш» деб номланди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро ташкилоти, Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорликларида ёшлар иштирокида шаҳримизда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори доирасида экофестивал уюштирилди.

● **ҲАМЗА** туманида иқтидорли қизлар ўртасида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **МИРОБОД** туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Фафур Фулом номли маданият уйи ҳамкорликларида «Машъал» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган тадбир «Ёз — ўтмоқда соз» деб номланди.

● **БЕКТЕМИР** туманида ёшлар иштирокида «Ёшлар — келажақ таянчи» мавзусида ўтказилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманида ўтказилган «Маҳалла куни» тадбирида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари иштирок этишди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Ахиллобод» маҳалласи ҳудудида Ёшлар йилига тўхфа сифатида бунёд этилган Ёшлар боғи ва спорт майдончаси ўз фаолиятини бошлади.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари иштирокида «Маҳалла куни» тадбири кенг нишонланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

17 йил МУСТАҚИЛЛИК

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

ШАҲРИМИЗНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ВА КЎҲНА ТУМАНЛАРИДАН БЎЛМИШ СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ҲАМ ҚУТЛУГ АЙЁМ — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ЯНАДА ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ КЎРСАТИБ, ИШТИЁҚ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ЯНГИ-ЯНГИ ОБОДОНЧИЛИК, БУЊЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

Собир Раҳимов тумани: ИСЛОҲОТ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Хар бир соҳадаги ислоҳотлар, изчил изланишлар самараси туфайли юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Собир Раҳимов туманида 12 та асосий саноат корхоналари фаолият юритаётган бўлиб, 2008 йилнинг январь-июнь ойларида 75,3 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 118,61 фоизни ташкил этди. Бунда асосан «Ирригация бўйича БМКБ» ҚК, «КОЛАР ФИКС» ҚК, «Симирне текстиль» ХК, «Сувсаноатмаш» ОАЖларнинг улушлари салмоқли бўлди. Умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кичик ва хусусий тадбиркорликдаги улуши 67,2 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарадиган 8 та асосий корхоналарда ярим йилда 27,5 миллиард

сўмлик шундай буюмлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101 фоизни ташкил этди, аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 92,1 миң сўмни ташкил этди. Эътиборлиси туманда фаолият юритаётган «Оникс» корхонасига янги технология ва ускуналар жалб этилиши натижасида, 40 га яқин янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилди. Улар: ҳар хил турдаги маиший ёриткичлар, биллур буюмлар ва идишлардир.

Туманда умумий ташқи савдо айланмаси 89,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Жорий йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқариш




ва хизматлар соҳаларида экспорт ҳажми 15,7 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3,1 миллион АҚШ долларига ўсган, яъни ўсиш суръати 124,3 фоизни ташкил этган. Шу ўринда туманда муваффақиятли фаолият юритаётган «Ўздунробита» ҚК, «Лукас текстиль» МЧЖ ХК, «Симирне текстиль» ХК, «Бай-текс тижарет» ХК, «Маер текстиль» ХК каби корхоналарнинг муносиб хиссаларини алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Шунингдек, туманда 186 та чет эл инвесторлари иштирокидаги корхоналар фаолият юритаётган бўлиб, 2008 йилнинг 1-чорагида 16 та янги қўшма корхоналар ташкил этилди. Асосий капитал қўйилмалари 54,4 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан тўғридан-тўғри чет эл сармоялари 22,0 миллиард сўм ёки 16,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Жорий йилнинг худудий инвестиция дастурига умумий қиймати 25,4 миллион АҚШга тенг бўлган 8 та лойиҳа киритилган. Яна ушбу йилда 7,3 миллион АҚШ долларига тенг хоржий инвестицияларни ташкил этиш кўзда тутилган. Маълумки кейинги йилларда юртимизда кичик ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда туманда 625 та кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида 303 та кичик ва хусусий, 903 та яқка тартибдаги хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтди. Янги ташкил этилган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобига 2756 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун тадбиркорларга 8,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 1,5 миллиард сўмга кўп, яъни ўсиш суръати 120,5 фоизга етган.

Собир Раҳимов туманидаги ўтган йилги ва бу йилги кўрсаткичларни кўздан кечирадиган бўлсак, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 118,6, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 101,0, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 119,3, маиший хизмат кўрсатиш 108,2, чакана савдо айланмаси 116,6, экспорт 124,3, инвестиция 100,9 фоизга ошганлигини, бир ишчи ходимнинг ўртача иш ҳақи 166,1 миң сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Албатта, ушбу кўрсаткичлар йил сайин қирой очаётган туманда хар бир соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган салмоқли ишлардан далолат бермоқда.

Бунга яна туманда олиб борилаётган катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини қўшадиган бўлсак, энг улуг ва азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини туман аҳолиси ёруғ юз, эзгу тиллақлар билан кутиб олаётганларининг гувоҳи бўламиз.

(Собир Раҳимов тумани ҳақида хикоя қилувчи мақолаларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.)



ҳокими ўринбосари Бахтиёр Тоҳиров таъкидлаб ўтганидек, бундай юқори кўрсаткичлар, шубҳасиз, биринчи навбатда республика ва маҳаллий бюджет даромадларининг ўз вақтида ва ортиги билан (тегишли равишда) 102,9 фоиз ва 102,3 фоиз) бажарилишига имкон яратди.

Ўз навбатида ҳисобот даврида барча ижтимоий тўловлар, хусусан, бюджет ташкилотларининг ойлик маоши, пенсия, нафақа ва стипендияларининг кечиктирилмасдан таъминланишига эришилди. Бундан ташқари, 6 миллиард сўмга тенг маблағлар мактабларни тубдан ва жорий таъмирлаш, уй-жойларнинг муҳандислик тармоқларини янгилаш, кўча ва ички худудларни ободонлаштириш ишларига йўналтирилди. «Ёшлар йили»

Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг 54,6 фоизини амалга оширишга эришилди. Ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун бюджет ҳамда ҳомий-маддаларнинг ўз вақтида ва ортиги билан (тегишли равишда) 102,9 фоиз ва 102,3 фоиз) бажарилишига имкон яратди.

Пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури муҳокамаси давомида туман ҳокимликлари, тегишли манфаатдор тузилмалар эътибори мақсадли мажмуавий дастурларнинг мутасил ва самарали бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, жойларда мавжуд муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу дастурларга алоқадор бўлган барча субъектларга зарур шарт-шароитлар яратиш лозимлиги қаратилди.

(Давоми 3-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона ҳамда Хоразм вилоятлари фаолларининг жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Сайидо Насафий номдаги Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида «Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришнинг қонуний кафолатлари ва амалиёт» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали ташкил этган бу мулоқотда ҳуқуқ-тартибот идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фермер ҳўжаликлари вакиллари қатнашди.

● «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Россиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда хайри ишга қўл урди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 150 нафар болаларига элчихона Паркент туманидаги «Бойчечак» болалар оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқариш учун бепул йўлланма тақдим этди.

● Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти битирувчиларига магистрлик ва бакалаврлик дипломлари тантанали равишда топширилди.

● Намангандаги «Фармаскалез» МЧЖ қошида «Мезон» номли хусусий клиник-ташхис лабораторияси фаолият кўрсата бошлади. У ёки бу таҳлилни ўтказиш, аниқ ташхис қўйиш мақсадида бу ерга нафақат касаллар, балки тумандаги даволаш муассасаларининг ходимлари ҳам мурожаат қилмоқда. Лабораториянинг устун томони шундаки, у Италия ва Чехиядан келтирилган энг янги анжомлардан фойдаланмоқда.

● Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида «Биз тинчликсевар юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар акцияси ўтказилмоқда.

● Гурлан туманидаги Сахтиён, Қангли қишлоқларида янги савдо дўконлари иш бошлади. Замонавий қиёфада ва барча қулайликларга эга, пластик карточкалар орқали харид қилиш имкониятлари ҳам мавжуд, озик-овқат маҳсулотлари ҳамда ҳўжалик моллари сотиладиган мазкур шохобчалар қишлоқлар хусусига хусн қўшмоқда.

● Фарғонада вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида ўқувчиларни замонавий талабар асосида ўқитиш, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар муҳокама этилди.

● Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси йўлида «Ипотекабанк»нинг Самарқанд вилоят филиалида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунонки, шу пайтгача банкнинг ўз маблағи ҳисобидан жами 479,2 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш учун ажратилди.

ЖАҲОНДА

● Туркия конституцион суди мамлакатни бошқарувчи партиянинг даввосига кўра мазкур партиянинг тарқатиб юборилиши ишини кўриб чиқади.

● Америка давлатлари Ташкилоти йиғилишида Колумбия Никарагуа ҳукуматини Колумбия инқилобий қурооланган кучлари исёнчилари билан ҳамкорлик қилишда айблади. Таъкидлаш жоизки, Никарагуа президенти Колумбиянинг розилигисиз воситачи сифатида исёнчилар билан музокаралар олиб боришга тайёр эканини билдирган. Бу эса Колумбия ҳукуматининг норозилигига сабаб бўлди.

● Кеча Германиянинг «Deutsche Lufthansa AC» авиакомпаниясининг 47 миң нафар ходимлари ойлик маошини оширишни сураб мuddати белгиланмаган иш ташлашни бошладилар.

● Истамбулда амалга оширилган террорчилик ҳаракати — иккита портлаш оқибатида 15 киши ҳалок бўлди, 154 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● АҚШнинг Нью-Мексика штатида рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида 300 дан ортиқ киши ҳавфсиз жойларга қўчирилди.

● Москва шаҳрининг шарқий қисмидаги кўчалардан биринида электр тармоғидаги носозлик оқибатида 8 та автомобиль сақлаш жойи ёниб кетган. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг шаҳар бошқармаси матбуот хизмати тарқатган маълумотда келтирилишича, ёнғин оқибатида бешта машина куйиб, кул бўлган.

● Римда неаполитан мафияси етакчиларидан бири А.Грациано хибсга олинди.

● Пекинда Олимпиада учун махсус курилган метронинг учта янги линиялари очилди. Шунингдек, кеча Пекинда замонавий тарзда бунёд этилган Олимпия қишлоғи ҳам спортчи ва мураббийлар учун ўз эшикларини очди. Уни келажакнинг экологик тоза шаҳри дея таърифламоқдалар. Зеро, қишлоқдаги электрлаштириш кўёш батареялари асосида амалга оширилса, фойдаланиладиган сувлар ҳам ёмғир сувларининг тозаланидир.

ИЖТИМОЙ ДАСТУРЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

КЕЧА ПОЙТАХТДА КЕНГАЙТИРИЛГАН ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2008 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ. БУ БОРАДА МАҚСАДЛИ МАЖМУАВИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ АЛОҲИДА ТАҲЛИЛ ЭТИЛГАН ҲОЛДА 2008 ЙИЛНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ. ЙИГИЛИШНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ АБДУҚАҲҲОР ТЎХТАЕВ ОЛИБ БОРДИ.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиётнинг деярли барча асосий тармоқларида ижобий кўрсаткичларга эришилди. Бу эса, ўз навбатида ялпи худудий маҳсулот ҳажми даражасини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан

16,3 фоизга оширишга имкон яратди. Жумладан, саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 140,6 фоиз, пудрат ишлари 104,2 фоиз, чакана савдо айланмаси — 113,6 фоиз, пуллик хизматлар — 124,2 фоизга тенг таъминланди. Ташқи савдо айлан-

масида ҳам юқори ўсиш суръатлари эришилди (120,3 фоиз), бунда экспорт ҳажми 30,3 фоизга кўп бўлиб, худудий тасарруфдаги субъектлар улуши ҳам 28 фоиздан ортди. Йиғилишда асосий масала юзасидан ахборот берган шаҳар

17 МУСТАҚИЛЛИК йил



РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ ЁШ АВЛОДНИ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИ СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИГА ОШНО ЭТИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ, БИЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ВА БУНГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН БИР ҚАТОР БОШҚА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА. БУНИНГ ТАСДИҒИ СИФАТИДА ҲАР ЙИЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА ЁШЛАРГА ОИД АЛОҲИДА БЎЛИМЛАР АЖРАТИЛИШИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛИМИЗНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ЁШЛАРИМИЗ УЧУН ЯНАДА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ОЧИБ БЕРАЁТГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАШИМИЗ МУМКИН.

Ёшлар — келажакимиз

ҲУДУДИЙ ДАСТУР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Шу хайрли мақсаддан келиб чиққан ҳолда Собир Раҳимов туманида ҳам йирик корхона, ташкилотлар, муассасалар ҳамда таълим тизимидаги барча ўқув юртлирдан олинган тақдирларни жамлаган ҳолда туман ҳудудий Дастурини шакллантириш аниқлаб бўлиб қолган. Бундай иш тутиш дастурининг ҳамма бандларининг бажарилишига қаролат бўлиб, ўтган йиллар тажрибаси бунга мисол бўла олади.

Хусусан, дастур доирасида туманда 2008 йил давомида 2 минг 700 та янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилган. Ўтган 6 ой давомида бу курсаткич 1365 тани ташкил этиб, шундан касаначилик меҳнати билан шуғулланувчилар сони 68 та ҳамда оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳисобига 26 та иш ўрни яратилди.

2008 йилнинг 6 оyi мoбaйнидa 8 мaрoтaбa «Бўш иш ўринлари ярмaркaллaри» ўткaзилиб, шундaн 4 тaси кaсб-хўнaр кoллeжлaридa, 3 тaси aкaдeмик лицeйлaрдa хaмдa 1 мaрoтaбa «Кaмoлoт» ЕИХ тумaн Кeнaшиси билaн хaмкoрликдa «Ёшлик» тaлaбaлaр шaҳaрчaси худудидaги «Мaънaвийaт вa мaърифaт мaркaзи» пaвилёнидa тaшкил eтилди. Ушбу ярмaркaллaрдa жaми 997 нaфaр ёшлaр иштирок eтиб, шундaн 58 нaфaригa дoимий ишгa жoйлaшиш учун йўлaнмa берилди, кичкa ўқув курслaригa 120 нaфaр ёшлaр жaлб eтилиб, кoрхoнa вa тaшкилoтлaрдa мaвжуд бўш иш ўринлaри хaқидa вa кaсб бўйичa 943 нaфaр ёшлaргa мaслaхaтлaр берилди.

Шунингдек, «Тошкент шаҳар теле-фон тармоғи» филиалининг С.Раҳимов телефон бўлими томонидан Ёшлар йилининг 6 оyi мoбaйнидa 225 нaфaр ёш oилaлaргa тeлeфoн рaқaмлaри ўрнaтилди.

Туманимиз таркибида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил этилган бўлиб, бу шаҳарча ҳудудида 28 мингдан зиёд республикамиз ҳудудларидан келган ёшлар тахсил олишда, 10 мингдан ортиқ талаба ўқувчилар 38 та талабалар турар жойларига истиқомат қиладилар. «Юртбошимизнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бўлиб, талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, уларнинг келгусидаги шароитларини янада яхшилаш бўйича берган тавсияларини бўйича биз режадаги ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Шунингдек, «Тошкент шаҳар теле-фон тармоғи» филиалининг С.Раҳимов телефон бўлими томонидан Ёшлар йилининг 6 оyi мoбaйнидa 225 нaфaр ёш oилaлaргa тeлeфoн рaқaмлaри ўрнaтилди.

Шу қатори туманда 11 та йирик спорт мажмуалари ва 3 та йирик сув ҳавзалари, футбол клуби, бокс, гимнастика, кураш, самбо тўғрисидаги мажмууд бўлиб, уларда доимий спорт билан шуғулланувчи ёшлар сони 62 мингдан ортиқни ташкил этади.

Туманда ёш оилалар учун тўрт қаватли, ҳар бири 32 хонадондан иборат 2 та уй қурилмоқда.

Собир Раҳимов тумани «Ёшлар йили» ҳудудий дастури 9 бoб, 57 тa бaндaн иборaт бўлиб, дaстур бaндaлaрини бaжaриш бўйичa кeнг қўлaм-дaғи ишлaр aмaлгa oширилмoқдa.

Ёшлар йили давомида 27 нафар кам таъминланган фуқароларга ва уйи

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир

Собир Раҳимов тумани: ИСЛОҲОТ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ



БИЛИМДОН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

МАЪЛУМКИ, ЁШ АВЛОДНИ ЮРТГА МУНОСИБ ВОРИС ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ РҲУҲИДА ВОЯГА ЕТКАЗИШ ВА ТЎҒРИ ЙЎЛГА ЙЎНАЛТИРИШ БОРАСИДА ЮРТИМИЗДА КАТТА ВА ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА ЖАҲОН АНДАЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ҚАД РОСТАЛАётган АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙЛАРИДА БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛИБ УЛАРНИНГ БАРКАМОЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШИЛМОҚДА.

Туманда фаолият юритаётган М. Турсунқўжаева номидagi тиббиёт коллежи 2007-2008 ўқув йилида тўлиқ реконструкциядан чиқарилиб жаҳон андозалари даражасида қад ростлади. Янги спорт зали қурилиб, физика, кимё, биология лабораториялари тўлиқ замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Компьютер синфлари, лингафон кабинетлари ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

—Бугунги кунда ёшларимизга замон талаблари даражасида таълим-тарбия бериш учун коллежимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган, — дейди коллеж директори Нойба Ишанова. — ўқувчиларнинг ўзи танлаган касбларини чуқур эгаллашлари учун 207 нафар юқори малакали профессор-ўқитувчилар Япониянинг «JICA» агентлиги томонидан тўлиқ жиҳозланган махсус фан хоналарида билим бермоқдалар. Мавжуд касб йўналишлари учун коллежнинг ўзида барча имкониятларга эга бўлган (имитация қилинган) туғруқ блокти, аёллар маслаҳатхонаси, операция блокти, стоматология кабинети, муолажа хонаси, стерилизация хонаси ташкил этилган. Шаҳримиздаги 38 та даволаш муассасалари билан шартномалар тузилган бўлиб, амалий машғулотлар бевосита шифоналарда ўтказилади.

Мазкур коллежда таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимидаги илохотларни теран англаган ҳолда асосий эътибор юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида билим бериш асосида ҳар бир ўқувчининг қобилият ва иқтидорларини юзага чиқариш, чет тили ва компьютер саводхонлигини тўлиқ эгаллашлари, интернетдан фойдаланишлари, қўшимча тўғрақларга қатнашиб билимларини мустахкамлашлари борасида иш олиб борилиб, турли фан олимпиадаларида қатнашишлари таъминланмоқда.

Коллежнинг ахборот-ресурс маркази фонди 40780 та китобни ташкил этади. Бугунги кунда умумтаълим ва мутахассислик фанлари бўйича ўқув адабиётлари етарли. Хозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар ва ахборот технологияларини фавқ қўлаш мақсадида ҳар бир фан кафедрасида изланиш олиб борилади. Шу вақтгача аънавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий илгор педагогик технологиялар ўқувчиларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишлари, ҳулосаларни ҳам ўзлари чиқаришлари ўргатишни назарда тутиб ўқув жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитувчи бу жараёнда шахсининг ривожланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратди ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. «Ақлий ҳужум», «Агар мен...», «Бумеранг», «Очик ликопча», «Ургимчак тури», «Бахс-мунозара», «Клайстер», «Чархпалак», «Танқидий тафаккур», «3/4-каби усуллар оммалаштирилиб, ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда. Ўқув-услубий ишланмалар ҳам шу усулларда тайёрланмоқда.

—Ўқувчи-ёшларни ўз соҳасининг билимдони қилиб тайёрлаш билан бирга уларда она табиятта меҳр-муҳаббат уюштириш, келаси йили нишонланадиган пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ҳудудимиз атрофини ораста ҳолга келтириш ва боғу роғларга айлантириш учун «Бунёдкор ёшлари» боғини ташкил этмоқдамиз, — суҳбатни давом эттиради директор. — «Ёшлик» маҳалласида барпо этилаётган ушбу боғда наинқи катталар, балки болажонларнинг ҳам мазза қилиб дам олишлари учун барча шароитлар яратилди. 15-августга қойиланганда топширилиши мўлжалланаётган ушбу боғда айни кунларда иш қизғин бормоқда.

«Хамширалик иши», «Акушерлик иши» ва «Стоматология» (тиш технети) йўналишлари бўйича етук мутахассислар тайёрлаш йўлида изланаётган тиббиёт коллежи жамоаси тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрамичи муносиб кутиб олиш учун режадаги барча ишларни амалга оширишга интилиб, яхши натижаларга эришиб келмоқда.

54 нафар ёш оилаларга жами 900 миллион 358 минг сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиб, бундан 18 нафар оилаларга 724 миллион 558 минг сўм ипотека кредити, 16 нафар оилаларга эса 75 миллион 900 минг сўм миқдорда истеъмол кредити ҳамда 11 нафар ёш оилаларга 99 миллион 900 минг сўм микрокредитлар ажратилган.

—Ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил ишлар ҳамда туманимизда давом этади, — дейди суҳбатдошимиз. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилимизнинг Ёшлар йили деб номланганда ҳам мана шундай хайрли ва эзгу ишлар бардавомлиги таъкидланган.

Саҳифани Шоира МУХАМЕДОВА тўзди. Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.

Маҳалла ОБОДЛИККА ҲИССА ҚўШАМИЗ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ БЎЛГАН МАҲАЛЛАЛАРГА ЭЪТИБОР ЯНАДА ОШИБ УНИНГ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛАР ЎРТАСИДАГИ НУФУЗИ ВА ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ЯНАДА ОРТИБ БОРМОҚДА.

Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбoш» маҳалласига мана шундай ҳаётлар билан кириб келганимизда ораста ва обод, гулчечаклар, райхону жамбилар ифорида кўнгилимиз яйраб юқоридаги фикрлар бежизга келтирилмаганига гувоҳ бўлдик.

Маҳалла гузаримиз ўтган йили тўла таъмирдан чиқарилди, — дейди фаоллар билан келгусида қилинадиган ишлар режасини муҳокама қилаётган «Гузарбoш» маҳалласи фуқаролар йиқини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Турсунқўжа Эргашев. — Фуқароларимизнинг яхши дам олишлари, фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиб саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Албатта барча амалга оширилган ишларимиз хотин-қизлар комиссияси раиси Гулшода

Урозова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Муқаддам Қаюмова, 184-милиция таянч пункти инспекторлари ва фаоллар билан бамаслаҳат олиб борилади. Ёшлар ва воёга етмаганлар ҳаммиша назоратимизда бўлган учун ҳудудимизда ҳеч қандай оқсонлиқ ишлар ёки жиноятчилик содир этилмади.

Дарҳақиқат, ушбу маҳалладаги хоҳ катта, хоҳ кичик фуқаролар билан суҳбатлашмайлик, барчалари маҳаллада олиб борилаётган ибратли ишлар, катта ҳажмдаги ободончилик ва бунёдкорлик юмушлари ҳақида мароқ билан сўзлашади.

—Худудимизда ҳар шанба ва яқшанба кунлари хашар уюштирилади, — дейди суҳбатни давом эттириб оқсоқол, — унда кексалар ҳам, кичик ёшдаги болалар ҳам бажонидли иштирок этишади. Шу кунга 150 дан ортиқ мевали дарахт, 2.000 дан ортиқ манзарали ва мавсумий гуллар экилди. Яқинда Хуррият ва Сағбон кўчаларининг 900 квадрат метрлик қисмига асфальт ётирилди. Хуррият тор кўчасининг 300 метрига оқва сув тармоқлари ўтказилди. Маҳалладаги кам таъминланган, ногирон ва кўмакка муҳтож кишиларга ҳаммиша моддий ва маънавий ёрдам кўрсатамиз. Бундан ташқари маҳалламиздаги 11-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан биргаликда «Янги авлод» боғини яратмоқдамиз. Мақсадимиз мустақил она юртимизга муносиб, ҳар томонлама баркамол авлодни воёга етказишга муносиб ҳисса қўшишдир.

«КАМОЛОТ» — ЁШЛАРГА ҚАНОТ тумандаги кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандлари жалб этилган бўлиб, уларга бепул хўнар ўргатилади. Ўқувчи-ёшларга ўз касбининг усталари бўлган Муаттар Дўстмухамедова, Муқаддас Тиллаева, Наргиза Нормухамедова, Нигора Раҳимова ва Луиза Холмухамедова каби устоз педагоглар сабоқ бериб келмоқдалар. Мақсадимиз эртаими издошлари бўлган ёшларнинг касб-хўнарли, саводли,

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Япониялик сейсмологлар сунъий зилзила генераторини синоддан ўтказишди. E-Defense деб номланган бу қурилма бунёд этилган иншоот ва бинолар мустаҳкамлигини текшириб қўришга мўлжалланган. Бир йилдан камроқ муддат муқаддам яратилган бу кашфиёт махсули вазни 1,2 минг тонналик уйлар жойлашган 300 квадрат метр майдонни бемалол тебраталади. Инсон тафаккури ва имкониятларининг чеки йўқ деб шунга айтсалар керак-да.

Одам ирсиятидаги деярли сезиларли ўзгариш ҳам қутилмаган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Геншунослар фани тадқиқотчиларининг қатор изланишлари бунга яққол далил бўла олади. Хусусан европаликларда учраётган генлар тизимининг озгина бошқача тус олиши уларнинг иккинчи тур қанд диабетига хасталиғига чалиниши хавфини кучайтираркан. Демак, инсон генлари тизими ўзгармагани дуруст экан.

Табият кўп минг йиллар давомида шундай жониворларни яратдики, улар ўзларининг нишлари билан биринчи уринишдаёқ ўз ўлжаларининг асаб туғунчаларини аниқ мўлжалга олиб шикастлайдилар ва уларни шол қилиб қўядилар. Масалан, ер қазийдиган аммофила сабулеза деган ари пашша, чивин ва асалари кабиларга учиб кетаётган йўлида захар солиб, уларнинг асаб туғунчаларини ишдан чиқаради. Шундан сўнг ари шол бўлиб қолган ўлжасини кўтарганича илгаридан тайёрлаб қўйган чуқурчага тушириб унинг устига иккита тухум қўяди, сўнг тупроқ билан кўмади. Ўлжа устига қўйилган тухумдан гумбақлар пайдо бўлгач, уларнинг воёга етиши учун ўша ернинг ўзида озуқа ҳам етарли бўлади. Филантус триангулуя деган ари ҳам худди юқоридагидек усулда ов қилади. У асаларини ушлашга жуда ҳам мослашгани учун унга «асалари бўриси» деб ном қўйилган. Ари асаларининг миясига захар солгач, тез орада ҳалок бўлади. Шундан сўнг асалариларнинг қорнини ёриб, ундаги асални ейди. Қизиги шундаки, ейилган асал йиртқич ари гумбақига захар каби таъсир этиб, уни ҳалок қилади. Асалариларнинг ўз душманига қарши кураш йўллари ҳам бор. Яқинлашиб келаётган қовоқарини сезиб қолган асалариларнинг 200-300 дан иборат галаси қовоқарини тезда ўраб олади. Ана шундай доира ичидаги ҳавонинг ҳарорати 4 дақиқа ичида 46 даражага кўтарилди ва бундай ҳарорат 20 дақиқагача сақланиб туради. Иссиқ ҳаво ҳалқасида қолган қовоқари оқибат натижада ҳалок бўлади. Демак, қовоқ ари кўпчилик ўйлаганидек, асалариларнинг чақишидан эмас, балки юқори ҳарорат таъсиридан нобуд бўлади. Асалариларнинг ўзи эса бундай иссиқ ҳаводан таъсирланмайди.

Мюнхен дорилфунуни профессори Райнер Пилканинг яратган қурилмаси нафақат бош оғриқидан, ҳатто об-ҳаво ўзгаришидан, суякларингиз зирқирашидан ҳам сизни ҳалос этади. Қурилма чўзинчоқ тухум шаклида бўлиб, унинг сирти тилла суви билан сайқалланган. У электромагнит майдонига эга. Шу сабабдан ҳам бош оғриган пайтда «олтин тухум»ни пешонага тутгиса, бир зумда оғриқ йўқолади.

Токионинг «Касима» қурилмиш компанияси эндиликда одамлар ишлайдиган бир хил хонага компьютер орқали иклимини мослаштириб тура оладиган қурилма ўрнатди. Бу қурилма вақтга қараб хона ҳарорати ва Ҳидини ўзгартира олади. Масалан, эрталаб хоналарга лимон дарахтининг муаттар бўйини таратади. Бу ҳид одамларга тийрақлик бағишлайди. Одам зўр иштиёқ билан ишлайди. Тушлиқда эса улар атиргул хидидан баҳраманд бўлишади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, атиргул бўйи чарчоқни тарқатади.

Индонезиянинг Бандунг шаҳри аҳолисидан бири Гиннес рекордлар китобига тушиш учун ўз олдига бир ой чаёнлар билан яшашдек вазифани қўярди. Цейцан исмили 42 ёшли бу индонезиялик Жакарта савдо марказларидан бирида кишилар кўз ўнгига қўйилган катта ишида идиша ана шу захарли жониворлар билан бирга ўн кундан бери яшади. У чаёнлар билан беш ёшдан оқ дўстлашқ кетганини айтмоқда. Цейцаннинг фикрига қараганда, чаёнлар агар уларга зарар етказилмаса, одамларга ҳужум қилмайди. Индонезиялик ўз сўзини тасдиқлаш учун атрофида ўралашиб юрган «дўстларини» ҳовучига олиб бошига қўйди ва бу билан томошабинларда хайрат уюғонди.

Япониянинг Киото шаҳрида яшовчи 30 ёшли Исико Дзикаро деган тўқувчи аёл тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Беморнинг ҳарорати кўтарилиб, боши қаттиқ оғрий бошлади, сўнгра бутун танасига майда қизил тошмалар тошиб кетди. Касалхонада уни СПИД деб хавотирланишида ва текшириув олиб боришди. Аёлда бу хавфли касаллик йўқ экан, аммо унинг танасида электр қуввати зарарлари мавжудлиги маълум бўлди. Исико танасига электр қувватини ўлчайдиган вольтметр уланганда 14 вольтли электр қуввати чиқаётгани маълум бўлди. Сўнгра жажжи лампочка уланса у ёнди ва радиоприёмник ишлади.

Франциянинг Тулуза шаҳрида жаҳонда энг катта китоб яратилди. Бу улкан китобнинг бўйи тўрт метр, эни уч метр. Китоб маҳаллий наشريётнинг 150 йиллик байрамига атай яратилган. Бахайбат китобнинг 30 саҳифаси бор. Ҳар бир варагининг оғирлиги 200 килограммдандир. Катта қилгандек улкан ва ягона нусха бўлган китобнинг умумий оғирлиги 8 тоннага тенг. Китобда қизиқ ҳикоялар ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган турли ва машҳур воқеалар тарихи чоп этилган.

«Кайф» деган сўзининг бизга грек тилидан кириб келганлигини биласизми? «Кефи» грек тилида яхши кайфият, хузуур-халоват маъносини беради. Демак, ҳозирги «кайф қўлмоқ» сўзлари хузуур қилиш дегани экан. Бироқ ижтимоий тадқиқотлар миллий маркази ўтказган сўраб билишнинг эълон қилган натижалари Греция аҳолисининг ақсарияти ўз ишидан «кефи» ёки «кайф» қилмаётганидан далолат бери-моқда. Фикри сўралганларнинг қарийб 60 фоизи ўзининг ҳозирги ишларини имкони бўлса бажонидли ўзгартирганини таъкидлади. 15 фоизи эса ўзи бажарайтган ишга тоқати йўқлигини айтди. Шуниси қизиқарлики, греклар ўз ишларида қадрлайдиган асосий жиҳат иш ҳақи эмас экан. Улар ҳизмат пиллапоясидан кўтариллиш имкониятини биринчи ўринга қўйишади. Иккинчи ўринда иш вақтининг қўлай бўлиши ва фақат унчинчи ўринда иш ҳақи туради. Фикри сўралганларнинг атиги тўрт фоизи ўзлари учун асосийи. ишнинг ўзи ёки ҳамкасблари билан ўзаро муносабатлар эҳкалгини таъкидлади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиги Зафар Тўйчиев ҳисобот даври учун инвестицион дастурда қўзланган вазифалар тахлили ҳусусида тўхталиб ўтар экан, жумладан, ўтган вақт ичида 650 миллиард сўм ҳажмида инвестициялар киритилганлиги катта натижа бўлса-да, аммо бу борада ҳудудий тасарруфдаги субъектларнинг ҳиссаси атиги 30 фоизни ташкил этаётганини қайд этди.

Бугунги кунда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари фаоллашиб бораётганига кўп асослар келтириш мумкин. Аммо Мирзо Улуғбек, Сергели, Собир Раҳимов, Учтепа ва Чилонзор туманлари бўйича айрим йирик корхоналарда ушбу жараён давр талабига мос келмаётди.

Иқтисодиёт вазири Ботир Ҳўжаев таъкидлаб ўтганидек, бу борада ҳўжалик субъектларига маҳаллий ижроия органларнинг кўмаги албатта зарурдир. Шу билан бирга ҳўжалик субъектларининг ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш дастури бўйича имкониятларини яна бир бор ўрганиб чиқиш ва аниқ ҳулоса чиқариш лозимлигини ҳам бу борадаги юзага келган камчиликлар тақозо этади.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида маҳаллийлаштириш дастури доирасида 20 та янги лойиҳани татбиқ этиш кўзда тутилмоқда. Бу борада қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги учун 60 дан зиёд номадаги бутловчи қисмлар, рўзгорда эҳтиёж катта бўлган кир ювчи машинаси, микротўқинли печ, газ плита, чанг юткич, қурилиш индустрияси учун пластик панеллар, шакли профиллар, қислотга чидамли гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Аммо биринчи ярим йиллик учун

мўлжалланган маҳаллий хом ашёдан фойдаланиладиган қатор лойиҳалар бажарилмаганлигини ҳам қайд этиш жоиз. Шу кунгача 12 та корхонага белгиланган 16 та лойиҳа ижроси уддаланмади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида ҳам айрим объектив ва субъектив сабаблар мавжудлиги ушбу йўналишдаги ташкилий ишларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини далolat беради. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 65 фоиздан зиёд,

фатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ушбу масаланинг муҳокамаси давомида тегишли тузилмалар раҳбарлигига мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш ва мақсадли дастурлар ижроси бўйича вазифаларни тўлиқ таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Шубҳасиз, қайд этилган маъмувий мақсадли дастурлар фақат ижтимоий салоҳиятини кучайтиришга дахлдор эмас, балки пировардида аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, энг муҳим ижтимоий масала—кишиларни иш билан банд бўлиш эҳтиёжини қон-

ларидан келиб чиққан ҳолда иш юритилиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда пойтахт аҳолисини биринчи навбатдаги озиқ-овқат ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш масаласига доир вазифалар ижроси ҳам таҳлил этилди. Айтиб ўтилганидек, ҳозирда биринчи галда пойтахтдаги 15 та асосий захира омборхоналарида профилактика ва таъмирлаш ишлари, шунингдек, тегишли вилоят ҳокимликлари ҳамкорлигида фермер ҳўжаликлари ўртасида фьючерс шартномаларини тузиш юзасидан амалий тадбирларга киришилди.

Йиғилишда шунга ҳам эътибор қаратиб ўтилдики, республикада ишлаб чиқарилаётган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми аҳолининг эҳтиёжини ҳамда ички бозор имкониятларини тўлиқ қондира олади.

Шаҳар фаоллари эътиборига ижтимоий объектлар, барча иқтисодиёт тармоқларининг куз-қиш мавсумига тайёрларлиги юзасидан ахборот хавола этилди. Бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар маъқулланиши билан бирга, барча коммунал хизматлари ва ушбу масалага алоқадор раҳбарларга келгуси мавсумга ҳам режалаштирилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан маъсулиятни янада қучайтириш лозимлиги, коммунал ҳўжалиги тизимлари ҳолатини таҳлил этган ҳолда, вазиятдан келиб чиқиб, тегишли тезкор чоралар кўрилиши ҳусусида тавсиялар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Эргаш Шоисматов иштирок этди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ИЖТИМОЙ ДАСТУРЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

ўсиш суръатлари эса ўтган январь-июнь ойларида 124,2 фоиздан иборат бўлди. Бу борада айниқса алоқа ва ахборотлаш, банк, молия, меҳмонхона хизматларининг улуши юқори бўлганини кузатиш мумкин. Бироқ, транспорт соҳасида ҳали қутулган натижаларга эришилмади. Шундан келиб чиққан ҳолда йиғилишда «Тошйўловчиҳизмат» уюшмаси раҳбариятига ушбу масаланинг мувофиқлигини таъминлаш зарурлиги уқдириб ўтилди.

Пойтахтда, яхши маълумки, кўлами кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, айниқса, ижтимоий объектлар қурилишига катта эътибор берилаятир. Шунга қарамадан, хусусан Бектемир ва Учтепа туманларида объектлар вақтида фойдаланишга топшириш муддатида оқсалиш юзага келмоқда. Шунга ҳам айтиб ўтиш керакики, бундай ҳолатлар бажарилаётган ишларнинг си-

диришга қаратилгандир.

Жорий йилда «Бандлик» дастури доирасида 35.463 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, уй шароитида 6.355 киши меҳнатга жалб этилди, шу жумладан йирик корхоналар билан шартнома асосида 1.355 нафар аёл меҳнат дафтарчасига эга бўлди. Йиғилишда ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, хусусан, бўш иш ўринлари ярмаркаларининг самараси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Шу билан бирга бу борада айниқса ёшлар, ўрта махсус ва олий ўқув юрталари битирувчиларини эгаллаган касб-муҳтақисликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласи жиддий бўлиб қолаётганини ҳисобга олган ҳолда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, тегишли тузилмалар томонидан янги иш ўринларини яратишда меҳнат бозорининг талаби ва тақлиф-

«Ёшлар ва саломатлик», «Йўл қондаси – умр фойдаси» сингари мавзуларда ёшлар ва турли соҳалар мутахассислари иштирокида давра сўхбатлари, мулоқотлар уюштирилди. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг иқтидорли талабалари томонидан ўтказилган машғулотлар жараёнида ўқувчилар хоржий тиллар бўйича билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларни салбий иллатлар таъсиридан асраш – маънавий-маърифий йўналишда ташкил этилган тадбирларнинг бош мавзуси бўлди.

Тадбир доирасида, шунингдек, мушоира, асфалта расм чизиш мусобақаси, «Кувнок стартлар» спорт беллашувлари ташкил этилди. Ёш ижроичилар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ

2008 – Ёшлар йили

ОРОМГОҲДА “КАМОЛОТ” КУНЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛИ МАРОҚЛИ ЎТИШINI ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ СЎЛИМ ГЎШАЛАРИДА КЎПЛАБ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ШУНИНГДЕК, КЎПЛАБ ЎСМИРЛАР МАКТАБ ВА КОЛЛЕЖЛАР ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ОРОМГОҲЛАРДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДА.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги учта умумтаълим мактаби қошида ана шундай масканлар фаолият юритмоқда. Жумладан, 125-мактаб ҳузуридаги ёзги оромгоҳга мавсум давомида қарийб тўрт юз нафар ўғил-қизни жалб этиш режалаштирилган. Ҳозиргача бу ерда бир юз ўттиз нафар ўқувчи дам олди. Шу кунларда иккинчи мавсумини бошлаган ушбу оромгоҳда яна шунча ўспирин ёзни кўнгилли ўтказмоқда.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани бўлими ва “Камалак” болалар ташкилоти ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш, уларнинг мактабда олган билиминини янада мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларга ўз салоҳиятини намойиш этишида кўмаклашиш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Мазкур оромгоҳда бўлиб ўтган “Камолот” кунлари бунга мисолдир. Тадбир доирасида “Тошкентим – пойтахтим”,

Унинг изчил ва қатъий ҳаракатлари натижасида жаҳоннинг айрим мамлакатлари ва минтақаларида рўй берган маҳаллий, фуқаролар урушига барҳам берилди ёки уларга йўл қўйилмади, баъзи давлатлар ва халқлар ўртасида келиб чиққан турли хилдаги жоғалар сийсий йўл билан ҳал этилди, халқро майдонда рўй бериши мумкин бўлган тангликлар, ноҳус ҳолатларнинг олди олинди. Кейинги йилларда Болкон мамлакатларида, Яқин Шарқда, Африка ва Латин Америкаси минтақаларида ҳарбий ва сийсий жоғаларнинг тинч йўл билан ҳал қилишда бу ташкилотнинг рол ва аҳамияти бениҳоят катта бўлди. У жаҳондаги кўпчилик мамлакатларга иқтисодий-ижтимоий, маданий ёрдам бермоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ушбу ташкилот фаолиятининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида бутун дунёда юз бераётган воқеаларга бевэтибор бўлиб қолмасдан уларда фаол иштирок этмоқда. Ҳозирги кунда

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ—ДОЛЗАРБ МАСАЛА

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ИНСОНИАТ ТАРИХИДА РЎЙ БЕРГАН МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕАДИР. БУ ОЛАМШУМУЛ ВОҚЕА КЕЙИНЧАЛИК МИЛЛИОНЛАБ ХАЛҚЛАРНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ КЕЧИРИШИ, УЛАРНИНГ ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗЛАРИ БЕЛГИЛАШЛАРИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛДИ.

муҳим муаммолардан бири, бу— инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш муаммосидир. Инсон ҳуқуқлари жуда серқирра ва мураккаб масала ҳисобланади ва биз унинг халқаро-ҳуқуқий, сийсий, иқтисодий, ижтимоий, моддий ва юридик жиҳатларини санаб ўтишимиз мумкин. Кўпгина идеологлар ва сийсатчилар инсон ҳуқуқларини муаммосини демократия ва ижтимоий тараққиёт каби тушунчалар билан ёнма-ён қўядилар, негаки ушбу тушунчалар бир-бирини тўлдирмади ва бир-бирига боғлиқ деб тушуниришга ҳаракат қиладилар. Албатта инсон ҳуқуқлари серқирра бўлар экан ҳар бир давлат унга ўзгача ёндашишга ҳаракат қилади ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини ўзларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши даражасида таъминлашга уринашади.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига замин яратувчи омиллардан бўлиб демократия, бозор иқтисодиёти кабилар муҳим ҳисобланади, лекин бунинг ўзи етарли эмас албатта. Агар демократик аънаналар ривожланган давлатларга разм соладиган бўлсақ, уларнинг аксариятида инсон ҳуқуқларининг аҳволи халқаро стандартларга жавоб бермайди. Бозор иқтисодиётининг мавжудлиги фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволининг кўтарилишига сабаб бўлсада, ушбу омилни ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун етарли деб ҳисоблашимиз нотўғри. Халқро ҳуқуқ нуктаи назаридан инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилиши халқро ҳуқуқий тартиботга жиддий раҳна солади ва зиддиятларни келтириб чиқаради. Халқро ҳамжамиятнинг долзарб масаласи ана шундай зиддиятларнинг олдини олишдир.

Инсон ҳуқуқларининг халқро ҳимояси БМТ ташкил топгандан сўнг мустаҳкамланди ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган нормаларнинг асосини БМТ Низоми ташкил қилади ва унинг 1-моддаси 3-бандида ёзилишича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўзалган мақсадлардан бири—барчанинг ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқро ҳамкорлики амалга оширишдир.

Халқро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқи ўз ичига асосан улар универсал ёки минтақавий характерда бўлишидан қатъи назар кўп томонлама тузилгандиган халқро шартномаларнинг принциплари ва нормаларини олади. Бундан ташқари Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқро стандартлар асосан халқро форумлар, конференцияларда қабул қилинади ва давлатлардан ушбу халқро стандартларни ўзларининг миллий қонунчилик амалиётига киритиш талаб қилинади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти назорат органларининг рол кундан кунга ортиб бормоқда. Ҳозирги замон халқро ҳуқуқиди БМТнинг у ёки бу воқеага ўз муносабатини билдириши оддий ҳол бўлиб қолган, зеро БМТнинг асосий мақсадларидан бири жаҳон ҳамжамиятида тинчликни сақлаш демократия, Тобора уларнинг вазифаси ва ролининг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Бизга маълумки хал-

ЭКОСОС (Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш)га Инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишга қаратилган комиссиялар тузиш вазифаси юклатилган. Шунга бинан ЭКОСОС 1946 йилда Инсон Ҳуқуқлари комиссиясини тузди. Даставвал 18 аъзодан иборат комиссия ҳозирги кунда 53 аъзога эга.1966 йилда қабул қилинган Сийсий ёки Фуқаролик ҳуқуқлари ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пактлар комиссиясининг иш фаолиятда ўзига хос дастур ҳисобланиб, комиссия аъзо давлатлардаги халқро ҳужжатларда акс этган халқро норма ва принципларнинг бажарилишини назорат қилади ва давлатлардан уларнинг бажарилишини талаб қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг функциялари давлатларро муносабатларнинг ривожланиши ва инсон ҳуқуқлари соҳасида муаммоларнинг кўпайиши туфайли кундан кунга

ортиб бормоқда ва сўзсиз ушбу функциялар турли йилларда, Комиссиянинг асосий иш кўламини унинг махсус органлари баҳаради, улар асосан тенгсизлик, ортиб бормоқда ва сўзсиз ушбу функциялар турли йилларда, Комиссиянинг асосий иш кўламини унинг махсус органлари баҳаради, улар асосан тенгсизлик,

Умуман олиб қараганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг турли хил икти-солоштирилган комиссияси, кўмити, кенгаш ва дастурлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи билан билвосита ёки бевосита шуғулланади. Бундан ташқари Халқро Меҳнат Ташкилоти, Халқро Соғлиқни Сақлаш ташкилоти ва ЮНЕСКО ўз фаолияти давомида инсон ҳуқуқлари масалалари билан у ёки бу мавзода шуғулланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилишга доир халқро ҳужжат бўлиб, БМТ томонидан ишлаб чиқилган ва эълон қилиниши инсониятнинг тарихий тақдирда, давлатларнинг ички ва ташқи сийсатида, халқро ташкилотларда, сийсий партиялар ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятда муҳим аҳамиятга эга бўлди, унда ишлаб чиқилган қоида ва ҳулосалар, таъмоийлар ўзининг моҳияти ва мазмунига қўра мукаммал ишланган ҳуқуқий меъёрларнинг умумлашган ифодаси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда давлатларнинг мазкур ҳужжатда эълон қилинган ҳуқуқий маълумотларга амал қилиши уларда ишлаб чиқилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарали ва адолатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини белгиловчи дастлабки муҳим тарихий ҳужжатдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йилдаги йиғилишида фуқаролик ва сийсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақида Пактлар қабул қилинган, уларда ҳар бир давлат ўз фуқаролари бўлган шахсларга берилиши мажбур бўлган ҳақ-ҳуқуқлар кўрсатилган ва қафолатланган.

Дилшод САТТОРОВ, Тошкент Давлат юридик институти «Халқро ва сийсий ҳуқуқ» кафедраси ўқитувчиси

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШДА ЯНГИ ЛОЙИҲА

ЕВРОКОМИССИЯ ВА БМТНИНГ “ЮНИСЕФ” БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТУҒРУҚОНАЛАР, БОЛАЛАР ВА ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ БЎЛИМЛАРИ ҲАМДА ТЕЗ ТИББИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСINI ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ЛОЙИҲА ИШ БОШЛАДИ.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Еврокомиссия 3,5 миллион евро, БМТ қошидаги Болалар жамғармаси эса 300 минг евро микдорда маблағ ажратди.

—Еврокомиссия ушбу дастурда бевосита иштирок этаётганидан мамнун, — дейди ЕКнинг Марказий Осиё департаменти раҳбари Марио Ронкони. — Минглаб оналар ва болаларнинг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган бу лойиҳа Марказий Осиё ҳудудида барқарор ривожланишга имкон яратиш баробарида, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш лозимки, ЮНИСЕФнинг беҳавотир оналик масалаларига қаратилган лойиҳаси 1999 йилда Фарғона вилоятида амалга оширилган эди. Натижада, 2003-2006 йилларда ушбу вилоятда оналар ва болалар ўлими сезиларли даражада камайди. Соҳадаги шифокор ходимлар малакасини ошириш учун етти нафар таълимчи ва янги туғилган чақалоқларни парвартиришда тиббий хизмат сифатини янада ошириш имконини берди.

Ҳамкорликдаги янги лойиҳа мамлакатимизнинг саккизта вилоятида амалга оширилди. Тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган тренинглар жорий йилнинг сентябрь ойидан бошланади ва икки ярим йил давом этади. Бу муддат ичида лойиҳа доирасида саккизта янги тиббий ўқув марказлари барпо этиш ва олти мавжудларини замонавий жиҳозлаш кўзда тутилган.

«Туркистон-пресс»

ЯРИМ ЙИЛ САРҲИСОБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШИДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ. АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИ, НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Мухитдинов бошқарган йиғилишда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар юртимиз ривонлиги ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Адлия органлари мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи қўллаб қонун ҳужжатларини тайёрлаш, амалда жорий этиш, бир хилда ва аниқ қўлланилишини таъминлаш борасида изчил фаолият олиб бораётди. Ижтимоий-сийсий ҳаётни, давлат тузилишини, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Хуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш, унинг мониторинги ва амалдаги қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича асосланган тақлифлар тайёрлаш тизими ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорлар ва ҳусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари тақомиллаштирилмоқда. Суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизминини яратиш, нотариат, адвокатура, ФХДЕ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ҳамда самарадорлигини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида адлия органлари томонидан 52 қонун ҳужжати лойиҳаси ва бошқа ҳужжатлар кўрилиб, уларга ҳуқуқий экспертиза ҳулосалари берилди. Тақдим этилган идоравий-меъёрий ҳужжатлардан 139 таси давлат рўйхатидан ўтказилди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида кенг қўламли ҳуқуқий тарғиб ишлари амалга оширилди.

Адлия идоралари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида қирқ мингга яқин хат, ҳужжат ва ариза, беш мингдан ортқ шикоят кўриб чиқилди. Тадбиркорлар, фуқаролар ва хоржий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия органларининг саъй-ҳаракатлари билан беш мингга яқин даъво аризалари қаноатлантирилди.

Ҳайъат мажлисида ишларни режалаштириш ва ташкиллаштиришда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди. Хусусан, айрим адлия бошқармалари томонидан икром интизомига риоя этиш талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди. Адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари ҳужжатлар ижроси бўйича мавжуд ҳажий аҳолини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга жиддий аҳамият қаратиши ҳамда ушбу соҳадаги ишлар сифатини янада ошириш лозим.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш адлия органларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб, бу борада бошқа идоралар билан ҳамкорлиқни янада қучайтириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида махсулот этиштириш ва сотиш билан боғлиқ шартномаларни тузиш, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича мониторинг юритишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳайъат мажлисида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга оид чора-тадбирлар белгилан олди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Иқтисодиёт

БУНЁДКОРЛИККА ҲИССА

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚАД РОСТАЁТГАН МУҲТАШАМ ИНШОТЛАР, ЗАМОНАВИЙ КЎРКАМ БИНОЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ЧИРОЙИНИ ОЧМОҚДА. УЛАРНИ БУНЁД ЭТИШДА БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ АССИДАГИ ҚУРИЛИШ АШЕЛЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИЛМОҚДАКИ, МУҲИМИ ЭСА АНА ШУНДАЙ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАХСУЛОТЛАР ЎЗИМИЗДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

Импоррт ўрнини босувчи ва экспортбор қурилиш ашелларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда эса албатта, замон талабидан келиб чиқиб илгор техника ҳамда технологиялардан фойдаланилмоқда.

«ALUBOND ROISON BUILDING TECHNOLOGY» корхонаси изланувчан жамоалар сирасига кириб, унинг цехларида ишлаб чиқарилаётган турли ранг ва ҳажмидаги безак панелларни бугунги кунда нафақат пойтахтимиз, балки Республикаимиздаги қўллаб қурилиш объектиларда муваффақият билан ишлатилаяпти. Шунинг баробарида корхона маҳсулотларига Эрон, Афғонистон, Қозогистон, Озарбойжон, Россия, Украина, Грузия сингари давлатларда ҳам харидорлар сифати ортаётгани экспорт ҳажми кўпайишида муҳим ҳисса бўлмоқда.

Корхона маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиб, кўпроқ маҳаллий хом ашёдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Унинг цехларида тайёрланган алюмин композит безак панелларни биноларнинг ташқи ва ички лардоз ишларида ниҳоятда кўл келмоқда.

Корхона мутахассислари йилдан йилга янги махсулотлар турларини ўзлаштиришга интилмоқда. Сополгранит панеллар ана шу изланишларнинг самараси бўлиб, ушбу қурилиш ашеси



МАШРИҚЗАМИН — ХИҚМАТ БЎСТОНИ
ГУЛХАНИЙ ХИҚМАТЛАР

Бугунги нахд ўпка эртаги куйрукдин яхшидур.

...

Эгасини сийлаган, итига сўнгак ташлар.

...

Кизим сенга айтурман, келиним, сен эшит.

...

Ёмоннинг кучи япалоққа етар.

...

Англамай сўзлаган, оғримай ўлар; чайнамай еганлар, кавшамай кетарлар.

...

Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар.

...

Ит қилгонни, иторчи қилмас.

...

Иш битгувчи маслаҳатни қил.

...

Қариндошинг келса, келсун, бўз халтаси келмасун.

...

Сопол чинни бўлмас, бегона ини бўлмас.

...

Қариндошим — қора қозоним.

...

Қариндошинг ўлса-ўлсин, кадрдонинг ўлмасун.

...

Етим қизга елпугуч чичора?

...

Эшак йўли қотқоқда эмас, ботқоқда маълум бўлур.

...

Синаган ёв урушга яхши.

...

Ёв кетган сўнг қиличингни (ерга) чоп.

...

Ёмон отга ёл битса, ёнига тўриқ боғлатмас, ёмон ера мол битса, ёнига қушни қўндирмас.

...

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас.

...

Эшакнинг феъли эгасига маълум.

...

Отадин дам урма, панд ерсан...

...

Ота сўраб нетарсан, эрнинг ўзи бўлгон сўнг, йўл сўраган номарддур, от устига минган сўнг.

...

Эр бошига иш тушса, этук чечмай сув кечар, от бошига иш тушса, сўлув бирла сув ичар.

...

Бўзчи белбоққа ёлчимас.

...

Ёв туби эл бўлур, жар туби йўл бўлур.

...

Куда бўлса, қул бўлса ҳам сўйлаш.

...

«Теплотехник» боғдорчилик-узумчилик ширкати (БУШ) ўз номини «HARORAT-ISSIQLIK» боғдорчилик-узумчилик ширкати деб ўзгартиради ва «Теплотехник» БУШнинг ҳуқуқий вориси этиб тайинланишини маълум қилади.



КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА КЎПЛАБ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЁШ СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ВА ОСИЁ МИҚЁСИДАГИ ТУРЛИ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН ҚАЙТАЁТГАНЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАР КАМОЛТИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИШЛАРГА КИЧИК ДАЛИЛДИР.



Шахмат

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАН ЗАФАР БИЛАН

Куни кеча шахримиз халқаро аэропорти шахмат ихлосмандлари, ота-оналар билан яна гавжум бўлди. Зеро, бу ерга йиғилганлар бир ҳафта давомида Эрон пойтахти Техрон шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар ва ўғил болалар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида муваффақият билан иштирок этган ёш ҳамюртларимизни катта тантана билан қутиб олишди.

Албатта, қитъа чемпионатларидек нуфузли мусобақаларда доим кураш кескин ва мурасасиз

кечади. Фақат юрт шаънини ўйлаган ҳолда галаба бўлган кучли интилишу катта маҳоратгина муваффақиятларга замин яратиши мумкин. Бу гал ҳам ёш спортчиларимиз ўзларининг айнан ана шундай хислатларини намоён этишди. Хусусан, энг кичик ёш тоифасида — 8 ёшгача шахматчилар ўртасида дона сурган ҳамшаҳримиз — Учтепа туманидаги 75-мактаб ўқувчиси Ортик Нейматов 7 имкониятдан 5,5 очко жамғариб, мусобақанинг қумуш медалини қўлга киритди.

14 ва 18 ёшгача спортчилар ўртасида баҳс юритган бошқа ҳамюртларимиз Сарвиноз Курбонбоева ҳамда Нафиса Мўминовалар ҳам муваффақиятли тарзда дона суриб қумуш нишонларининг сохиблари бўлишди. Яна икки нафар ўзбекистонлик ёш шахматчи — Роман Голубев ва Гулрухсор Эсонбоеваларга тўртинчи ва бешинчи ўринлар насоб этилди. Шахматчиларимиз кўрсатган бундай юқори натижалар юртдошларимизнинг умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашларига имкон яратди.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА:** Осие чемпионатида муваффақиятга эришган ёш шахматчиларимиз. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

МАЪЛУМКИ ҲАР ФАСЛНИНГ ЎЗИГА ХОС СЕРХИСЛАТ НЕЪМАТЛАРИ БЎЛАДИ. ИНСОН ЎЗ САЛОМАТЛИгини САҚЛАШ, ҲАЁТ ФАОЛИЯТИНИ РИСОЛАДАГИДЕК ЎТКАЗИШИ УЧУН ҚЎЛ ОСТИДА МАВЖУД БЎЛГАН ТАБИАТ ЭҶСОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. АЙНИ ЁЗ ПАЛЛАСИДА ОШХОНАМИЗ БИСОТИДА КАРАМ, ЛАВЛАГИ, САБЗИ КАБИ САБЗАВОТЛАР ЕТАРЛИ МИҚДОРДА БЎЛАДИ. АНА ШУ НЕЪМАТЛАРИНИНГ ШИФОЛИ ШАРБАТЛАРИ ХУСУСИДА СЎЗ ЮРИТАМИЗ.

ЛАВЛАГИ ШАРБАТИ

Лавлаги турлари кўп бўлиб, қанд лавлаги, бурак-қизилча, жайдари ва бошқа, оддий хилдан сабзавот маҳсулоти сифатида кенг фойдаланилади.

Халқ табобати амалиётида лавлаги шарбати кўхна замонлардан бери ўпка касалликларини даволашда қўллаб келинади. Лавлаги шарбати асл асал билан омۇхталикда қон босими касаллигини даволашда ишлатилади. Ташқи муолажа сифатида терининг яллиғланишида лавлаги илдизмеваларидан бўтқа тайёрлаб қўйилади. Лавлаги илдизмеваларининг қайнатма-шарбати қабзиятдан холи қилади. Қайнатма шарбати бурунга томирилса, тумовга даво бўлади.

Шу уринда лавлагида мавжуд бўлган шифобахш омилларни кўрсатиб ўтишга тўғри келади. Унда 16 фоизга қадар қанд, 3 фоиз атрофида оксиллар, 2,5-3,8 фоиз пектин моддалари, органик ачиллар, С, В, РР, Е белгили дармондорилар, фолат ва пантотенат кислоталари, клетчатка, шунингдек, калий, фосфор, кальций, темир, кобальт, марганец, мис, рух, йод ва бошқа маъданли унсурлар жамламаси мавжуд. Лавлагида Р витамини салмоқли миқдорда бўлганлиги туфайли бу неъмат қон томир-

ларининг қайишқоқлигини оширади, ичга қон қуйилишидан муҳофаза этади, фаромушхотирликка барҳам беради. Лавлаги илдизмеваси ва баргларида бетаин номли модданинг бўлиши оксил моддаларининг организмга сингишини яхшилайди, қон босимини пасайтиради. Лавлагида аллергияга қаршилик қилувчи хусусият мавжуд. Шундай экан айна киши ва баҳор фаслларида лавлаги шарбатидан истеъмол қилиш қони фойда эканлигини унутмаслик керак.

КАРАМ ШАРБАТИ

Карам ва карам шарбати халқ табобати амалиётида жуда қадрланадиган, шунингдек, қадимдан фойдаланиб келинадиган беозор даволардан ҳисобланади. Кўхна Рим табиблари карамда одам аъзоларини мустаҳкамловчи, турли хасталикларга нисбатан бардошли қилувчи, уйқу қочирувчи, бош оғригини қолдирувчи неъмат сифатида таърифлаганлар.

Сархил карам шарбати шакар билан аралаштирилган ҳолда юқори нафас йўллариининг яллиғланиши, катарни даволашда, шунингдек, сариқ касалида ва талоқ дардида истеъмол қилинади.

Манбаларда қайд этилишича,

янги карам шарбатини шакар билан аралаштириб истеъмол қилинса, изтиробли йўтални қолдиради, балғамни осон ажратади, томоқ хириллашидан холи этади, унда антисептик хосиятлар бор бўлиб, яллиғланишдан муҳофаза қилади.

Терида мавжуд бўлувчи сўғаллар қайта-қайта карам шарбати билан артилиб туриладиган бўлса, уларнинг йўқолишига мойиллик яратади.

Замонавий тиббиётда карам шарбати билан меъда ва ичак яраси даволанади. Карам таркибида «У» дармондориси топилган бўлиб, у ярага қарши модда сифатида инobatга олинган. Метионинсульфоний асосли бу дармондори меъда ярасини тузатувчи хусусиятга эга. Даволашни мақсадида 3-4 ҳафта давомида кунига уч маҳал ярим стакан карам шарбатидан илитилган ҳолда ичиб туриш тавсия этилади.

Профессор А.Турованинг берган маълумотларига қараганда, клиницистларнинг кузатувларида карам шарбати сурункали холангитопегатитда ижобий натижа берган: жигар атрофида оғриқ камайиб, диспеттик ҳолатлар йўқолган, жигар шиши қайтган.

Қуритилган карам шарбати атеросклероз касаллигини даволашда қўлланилади, карам таркибида мавжуд бўлувчи тартрон ачили одамнинг семириб кетишига йўл қўймайди.

Карам барглариининг сўтда қайнатилиб, кепак билан аралаштирилганда боғлама (припарка) сифатида фойдаланилса, ширинча ва селли гушга (экземма) даво бўлади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос

ПОЙТАХТДА ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ХУДУДИЙ ТЕЛЕСТАНЦИЯЛАР ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛГУСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИБ БОРИШ ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСНИНГ ТЕЛЕСТАНЦИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ— ТАЖРИБА МАКТАБИ

Маълумки, ижтимоий лойиҳа ҳаётимизга тобора кенгрок кириб келиб, телевидение, радио дастурларидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Хатто автобус ва самолёт салонлари, метро бекатлари кутиш залларида ўрнатилган телевизорлар орқали ижтимоий роликлар намойиш этилаётир. Мазкур ижтимоий роликлар инсон маънавиятига, онига тез таъсир кўрсатиши, жамият олдидаги муаммоларга кишилар эътиборини жалб қила олиши билан аҳамиятга моликдир. Бу каби ижтимоий роликлар нодавлат телерадиостанциялар орқали ҳам мунтазам намойиш этилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, ижтимоий лойиҳада иштирок этувчи худудий телестанциялар ижодий гуруҳларининг келгусидаги фаолиятини рағбатлантириб бориш лойиҳаси асосида 15 та телестанцияга фойдаланиш учун замонавий телеусуналар тўплами берилди. 2005 йилдан буён ўтган давр мобайнида телестанциялар томонидан жами 784 та кўрсатув ҳамда 487 та ижтимоий роликлар тайёрланиб Ўзбекистон нодавлат телеканаллар телетармоғи дастурлари орқали эфирга узатилган.

Ўқув машғулот давомида кино режиссёрлар ва мутахассислар ижтимоий роликларни тайёрлаш, уларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигини ошириш бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўташди.

Семинар дастурига кўра, иштирокчиларнинг Ўзбекистон нодавлат телеканаллар телетармоғи фаолияти билан танишиш ва ижтимоий роликлар тайёрлаш жараёнларида бевосита иштирок этишлари ҳам кўзда тутилган. Бу эса семинар иштирокчиларининг ижтимоий роликларни тайёрлашдаги маҳоратини янада ошишига хизмат қилади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» **ЁАЖ Молия бошқармаси ҳисобчиси ва иқтисодчиси лавозимларига танлов асосида ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**
Номзодларга қўйиладиган талаблар:
— молия ва иқтисодиёт соҳаси бўйича олий маълумотга эгалиги;
— «1-с программа» да ишлаш тажрибасига эгалиги;
— бухгалтерия ҳисоби, молия ёки солиқ назорати соҳасида охириги уч йиллик иш стажига эгалиги.
Номзодлар ўзларини қизиқтирган қўшимча маълумотлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:
Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй. Республика Кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 227-90-23, 228-80-32. факс: 228-79-52.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» **ЕАЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибидда 2008 йил 2 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**
Аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомашиналарни сақлаш жойида сақланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 28.02.2008 йилдаги 21/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Нексия» русумли, д/р 1103565 бўлган 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 800 000 сўм. 2.ЖИБ Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар судининг 05.02.2008 йилдаги 5-555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Мазда-929» русумли д/р 119407 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 3 500 000 сўм. 3.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 20.02.2008 йилдаги ЖСК-1-121/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Матиз» русумли, д/р 30 Y2337 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 584 628 сўм. 4.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 18.03.2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Нексия Донс» русумли, д/р 30 14672 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 607 751 сўм. 5.ЖИБ Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман судининг 28.05.2007 йилдаги 1-271-2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланган, «ВАЗ-2103» русумли, д/р 30F5135 бўлган, 1975 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 1 776 800 сўм.
Мазкур автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.
Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов Ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО:00901, ИНН: 200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmb.uz

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2641 нусxada босилди. Кўзг бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6